# ДАВР ДАСТУРИ

**Наманган вилояти фаоллари йиғилишида Президентимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон— бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласи ҳамда ўн иккинчи чақириқ республика Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби Бургутали Рапиғалиев маъруза қилди.**

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Юртбошимизнинг бу доно сўзлари нақадар чуқур мазмунга эга эканлигига мустақилликнинг ўтган икки йилида ишонч ҳосил қилдик. Бу қисқа фурсат истиқлол ва тараққиёт йўлини собитқадамлик билан излаш, мамлакатни эркин, қудратли, гуллабяшнаётган давлатга айлантириш борасида интилиш даври бўлди. Ўзлигимизни тобора яхшироқ англаб, ўзига хос тарихий йўлни топиб олдик. Республика раҳбарияти оқилона ички ва ташқи сиёсат юргизаётганини ҳар бир фуқаро кўриббилиб турибди, қўллабқувватлаяпти. Шу боисдан диёримизда осойишталик барқарор, кишилар тинч яшаб меҳнат қилишаяпти.

Президентимизнинг ушбу рисоласида ва Олий Кенгаш сессиясидаги нутқида олдимизда турган вазифалар белгилаб берилган. Уларда иқтисодий мустақилликни қарор топдиришга оид фикрлар, қоидалар, йўлйўриқлар бор. Маъмурийбуйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим тамойиллари, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тангликдан қутулишнинг, барқарорликни таъминлашнинг йўналишлари аниқ-равшан кўрсатилган. Рисолада Ўзбекистон Евроосиёнинг ғарбни шарқ билан, жанубни шимол билан боғловчи йўллар чорраҳасида жойлашганлиги таъкидланган. Жумҳуриятимизнинг табиий-иқлим шароити, ўзига хос миллий таркиби, кишилар тафаккури ва турмуш тарзи, халқ анъаналари, урф-одатлари атрофлича очиб берилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур шарт-шароит ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунда давлатнинг ўрни беқиёс каттадир. Бу ҳақда муаллиф «Давлат иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси бўлмоғи керак», деб алоҳида таъкидлайди. Бозор иқтисодиётига босқичмабосқич ўтишни таъминлаш давлатнинг бош вазифаси бўлмоғи керак. Бунда аввало мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, нарх-навони эркинлаштириш, хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, ишчи кучи ва бошқа бозор унсурларини шакллантириш зарур.

Наманган вилоятида иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш бўйича бирмунча ишлар қилинмоқда. Бошқарма ва идоралар ўрнида ҳиссадорлик ва бошқа нодавлат тизимлари вужудга келяпти. Вилоятдаги 2155 та корхона ва шохобча давлат тасарруфидан чиқарилди. 37 та давлат хўжалиги жамоа, ширкат, ижара хўжаликларига айлантирилди, 33 та хўжаликнинг чорвачилик сут-товар фермаси хусусийлаштирилди.

Бироқ бу жараёнлар кўнгилдагидек кетяпти, деб бўлмайди. «Намангансавдо» концерни бўйича мўлжалдаги шохобчаларнинг атиги 73 фоизи хусусийлашди. Уй-жойларни давлат тасарруфидан чиқариш тугалланганини йўқ.

Вилоятда иқтисодиётни барқарорлаштириш борасида ишлар бораяпти. Лекин давлат олдидаги мажбуриятни унутиб, белгиланган солиқларни вақтида тўламаётган, ёки даромадни яшираётган корхона ва ташкилотлар мавжуд. Жорий йилнинг 8 ойида 1204 корхона ва ташкилотда бу камчиликлар учради. Улардан 710 миллион сўмлик қўшимча солиқ ундирилди. Шуниси ачинарлики, айрим муассасалар давлат бюджети маблағларига ҳотамтойлик қилаяптилар. Нарх белгилашда ҳам нуқсонлар мавжуд.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, иқтисодиётнинг бир ёқлама хом ашёга йўналтирилганлигини қатъиян бартараф этиш ички сиёсатимизнинг энг муҳим устивор йўналишидир. Стратегик жиҳатдан ўсишга эришмоқ учун ишлаб чиқариш тартиботини ҳам ўзгартириш зарур. Бу қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал манбаларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказишни тақозо этади. Қолаверса, илм-фанда асосланган, техник жиҳатдан мураккаб ишлаб чиқаришни вужудга келтириш, илғор технологияга, замонавий ишлаб чиқариш тартибига ўтишни таъминлаш лозим. Наманган вилоятида тайёрланган пахта толасининг 5,6 фоизи қайта ишланаяпти. Тармоқ мутасаддилари пахта хом ашёси камайиб бораётганлигини рўкач қилиш ўрнига янги соҳаларни ривожлантириш ҳақида ўйлашлари керак.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар ўтказилаётгани ижобий натижалар бераяпти. Деҳқонларда ерга эгалик, етиштирган маҳсулотидан манфаатдорлик туйғулари шаклланмоқда. Натижада бу йилгидек оғир шароитда дон, пилла сотиш режалари муваффақиятли бажарилди. Картошка, мева, сабзавот тайёрлаш ва сотиш давом этаяпти. Пахта йиғим-терими кун сайин қизитилмоқда. Бироқ етакчи тармоқда ҳамма имкониятлар ишга солиняпти, деб бўлмайди. Жорий йилнинг саккиз ойида Косонсой, Учқўрғон, Янгиқўрғон туманларида гўшт, Норин ва Уйчида сут етиштириш камайиб кетган. Косонсой, Поп, Чуст, Янгиқўрғон туманларида бошоқли дон, картошкадан ҳосил олиш кутилган даражада эмас. Деҳқон (фермер) хўжаликлари ишини ривожлантиришга жиддий эътиборни қаратиш зарур. 575 деҳқон хўжалигидан 50 тасининг экин майдони йўқ.

Йиғилишда сўзга чиққан Учқўрғон тумани ҳокими Ҳакимжон Тожибоев хўжаликда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича дадил ишлар қилинаётганини айтди. «Чорвадор» давлат хўжалиги ижара хўжалигига айланди, 2 та ферма хусусийлаштирилди. 114 та фермер хўжалиги бор. «Фермерлар» уюшмаси, «Техчорвасервис» корхонаси, «Тадбиркор» банки фаолият кўрсатяпти. Фермерларга қарийб минг гектар ер, 24 та техника ва 240 миллион сўм турли муддатли имтиёзли қарзлар берилди. Саккиз ойда улар 21 тонна гўшт, 372 тонна сут етиштиришди. Туманда маҳаллий саноат, маиший хизмат кўрсатиш, матлубот жамиятлари уюшмаси, кооператив тайёрлов-савдо тармоқларида 115 та шохобча давлат тасарруфидан чиқарилди, 69 та хусусий кичик корхона, 4 та ҳиссадорлик корхонаси ташкил топди. Болгария сармоядорлари билан бир кеча-кундузда 20 тонна сутни қайта ишлайдиган завод, хитойликлар билан тикувчилик корхонаси қуриш ишлари бошланди.

— Юртбошимизнинг мазкур рисоласида ва Олий Кенгаш сессиясидаги нутқида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг устивор йўналишлари, бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим жиҳатлари кўрсатиб берилган — деди Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори Ҳамидхон Набиев. — Китобда таъкидланганидек, бизда табиий бойликлар, унумдор ер, ибратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, диёримизда меҳнатсевар кишилар яшайди. Институтимиз янги ташкил қилинганига қарамай, ҳозирда еттита мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланаяпти. Иқтисод, булғалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш, пойабзал технологияси, моддий ресурсларни бошқариш ва ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдони ташкил этиш бўлимлари очилди. Нафақат вилоят, балки бутун водийга мутахассислар тайёрлаяпмиз. Бир қанча талабаларимиз хорижда таълим олишмоқда. Олдимизга қўйилган вазифаларни бажара бориб, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшамиз.

Вилоят нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Турдали Шокиров айтишича, ҳозир зарур нефтнинг катта қисмини четдан ташиб келишга мажбурмиз. Нархи эса муттасил ошиб бораяпти. Айни пайтда ўзимизни нефть ва бошқа энергетика манбалари билан таъминлаш имконияти бор. Президентимиз таъкидлаганидек, инвестиция сиёсатини ўтказиш учун устивор вазифаларни амалга ошириш лозим. Мингбулоқ нефть конини ўрганиш жадал бормоқда. Бу республикамизнинг шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришни яхшилайди, деб ўйлайман.

Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Обидхон Махсумов, вилоят телевидение ва радиоэшиттириш компанияси раиси Дилдора Аҳмедова, Ўзбекистон ХДП Наманган тумани Кенгаши биринчи котиби Мираббос Жалиловлар ҳам ўз фикрмулоҳазаларини айтдилар.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**А. ҚОРАБОЕВ,**
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ— ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Мамлакатимизда бозор иқтисодига босқичма босқич ўтиш жараёни кечмоқда. Президентимиз И. А. Каримовнинг яқинда эълон қилинган «Ўзбекистон —бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида ана шу жараённинг барча жиҳатлари атрофлича таҳлил этилган. Дастуруламал аҳамиятига молик ушбу рисола кенг жамоатчилик томонидан ўқиб-ўрганилмоқда ва навбатдаги вазифалар белгилаб олиняпти.

Яқинда Тошкент вилояти Ғазалкент шаҳридаги «Хўжакент» транспортчилар дам олиш масканида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси тизимидаги концернлар, корхоналар раҳбарлари, иқтисодчилари, ҳисобчиларининг уч кунлик консалтинг-семинари ҳам И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон— бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласини ўқиб-ўрганишга бағишланди. «Маҳаллий саноат» давлат корпорациясининг давлат-тижорат маркази, Тошкент Давлат иқтисод университети ҳузуридаги «Тошкент-12» илмий-ўқув тижорат-ишлаб чиқариш фирмаси томонидан ташкил этилган ушбу семинарда 300 нафардан зиёд раҳбарлар ва мутахассислар иштирок этдилар. Маърузаларда ва муҳокама этилаётган масала юзасидан сўзга чиққан мутахассисларнинг нутқларида хусусийлаштириш бозор иқтисодига ўтишнинг муҳим шартларидан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси бошқаруви раисининг ўринбосари М. М. Мирсоатовнинг маърузаси ҳам айни шу масалага бағишланди. У тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталар экан, бу борада қандай натижаларга эришилаётганлигини, қандай муаммолар ҳал этилаётганлигини уқтириб ўтди. Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси бошқарма бошлиғи Б. Қирғизбоев мамлакатимизда хусусийлаштириш қандай бораётганлиги ҳақида йиғилганларга маълумот берди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат мулки жамғармаси раиси Р. Т. Раҳимжоновнинг маърузасида эса хусусийлаштириш борасида у раҳбарлик қилаётган тизим, қандай ўрин тутаётганлиги ўз ифодасини топди. Тошкент Давлат иқтисод университети профессори, иқтисод фанлари доктори Т. Ш. Шодиевнинг «Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида оқилона йўлларни танлаш» мавзусидаги маърузаси ҳам семинар иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

Маълумки, ҳозирги пайтда бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб боришга бир қатор ўзгартиришлар киритилаяпти. Иқтисодий ислоҳот шароитида, хусусийлаштириш жараёнида дуч келинаётган муаммоларнинг ечимини топишга тўғри келаяпти. Тошкент Давлат иқтисод университети профессори, иқтисод фанлари доктори Д. М. Муҳиддинов, республика Солиқ бош бошқармаси бўлим бошлиғи В. С. Ким, республика Молия вазирлиги бўлим бошлиғи Б. Бобобеков, Тошкент Маданият институти катта ўқитувчиси А. К. Бобоевларнинг маърузаларида бозор иқтисодига босқичма босқич ўтиш, хусусийлаштиришнинг долзарб масалалари таҳлил этилди. Семинар қатнашчилари маърузаларни тинглаш билан бирга корхоналарни хусусийлаштириш борасида бир-бирлари билан тажриба алмашдилар, долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

**Алишер СОБИРОВ,**
**Тошкент Давлат иқтисод университети доценти.**

**Самарқанд шаҳрида республика қоракўлчиларининг кўргазмали семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча қоракўлчилик давлат хўжаликлари ҳамда хом ашёни қайта ишлаш корхоналарининг раҳбарлари, олимлар ва ветеринария ходимлари иштирок этдилар. Кенгашда, жумладан, чорва қишловига тайёргарлик, урчитиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди. Кенгаш қатнашчиларига вилоят «Чорванаслбирлашмаси» базасида ташкил қилинган халқ истеъмоли моллари намойиш этилди.**

**Ушбу йиғинда жамоатчи мухбиримиз республика «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи С. ҚАРШИЕВ билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат этди.**

# ҚОРАКЎЛЧИЛИК ШУҲРАТИНИ ТИКЛАЙЛИК

**— Суюн ака, республикамизда қоракўлчиликнинг бугунги аҳволи ҳақида тўхталсангиз.**

— Қоракўлчилик Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлиги. Унинг жаҳон бозоридаги ўрни, мустақил давлатимиз истиқболига қўшаётган салмоғи кам эмас. Ўлкамизда бу соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Биласиз, мамлакатимизнинг бепоён қир, адир, чўлларида асосан қоракўл қўйлар ҳамда йилқи ва туялар боқилади.

Бирлашмамиз тасарруфидаги тўқсон еттита давлат хўжалиги, ўн иккита бўрдоқичилик комплекси асосан қоракўл тери, жун ва гўшт етиштиришга ихтисослашган. Ҳар йили беш минг тонна жун, бир миллион дона қоракўл тери, ўттиз минг тоннадан зиёд қўй гўшти етиштирамиз. Айни пайтда хўжаликларимизда тўрт миллион бош қоракўл қўй 32 минг бош қорамол, 27 минг йилқи, 16 мингта туя парваришланаяпти. Жониворлар 56 минг нафар чўпончўлиқ оталиғида. Шуниси диққатга сазоворки, кейинги икки-уч йил ичида қўйлар 500 минг бошга, гўшт етиштириш 1.700 тоннага, қоракўл тери тайёрлаш қарийб 190 минг донага, жун эса 545 тоннага кўпайди. Мақсадимиз, ўсишда сусайишга йўл қўймаслик. Бунинг учун зарур чора-тадбирларни кўраяпмиз.

**— Бугунги кунда таъминотда имтиёзлар йўқ ҳисоб. Шундай шароитда хўжалик раҳбарлари қандай иш тутишлари керак, деб ўйлайсиз?**

— Биринчидан, маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтиришимиз керак. Хўш, бунга қайси йўл билан эришилади? Бизнинг соҳани ривожлантиришнинг икки — интенсив ва экстенсив йўллари мавжуд. Биз хоҳлаймизми-йўқми фақат интенсив йўлдан боришга мажбурмиз.

Яйловлар чегараланган. Шундай экан, туёқ сонини кўпайтиришга имконият оз. Демак, биз янги технология, янги имкониятлар, фан ва илғорлар тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий этибгина мақсадимизга эришишимиз мумкин. Хўжалик раҳбарлари шунга кўпроқ эътибор беришлари лозим. Маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг ягона шарти— бу қўйлар структурасида, яъни совлиқлар салмоғи меъёрда белгиланганидек 70—72 фоиз бўлишига эришишдир. Ҳозир эса хўжаликларда совлиқлар салмоғи 61 фоизни ташкил этади. Қашқадарё вилояти хўжаликларида эса бу кўрсаткич 54 фоиз, Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон жумҳуриятида 58—59 фоиз холос.

**— Пасайишнинг боиси нимада?**

— Соҳага етарли эътибор берилмаслигида. Аниқроқ айтганда совлиқлар чиқимига ва ўстиришга қолдирилаётган урғочи қўзиларнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйилаётганлигидадир. Масалан, 1992 йилда бирлашмамиз бўйича қўзилатиш мавсумида ўстиришга қолдирилган 694 минг бош урғочи қўзидан бугунги кунга келиб 503 минг боши сақлаб қолинган. Турли сабаблар билан 191 мингта жонивор чиқимига йўл қўйилган. Бу умумий кўрсаткичнинг 27,5 фоизини ташкил қилади. Жиззах вилоятида эса у 40 фоизга тўғри келади.

Кейинги беш-ўн йиллик қўзилатиш мавсумининг ҳисоботларини олиб қараганимизда жумҳуриятимиз қоракўлчилик хўжаликларида урғочи қўзиларни ўстиришга қолдириш 30—32 фоиздан ошмаган. Бундай ҳолда, пода структурасида совлиқлар салмоғини тиклаш, маҳсулот етиштиришни ва туёқ сонини кўпайтириш жуда мушкул. Вилоятларда қўй гўшти етиштиришни кўпайтиришнинг яна бир имконияти— қўйларни махсус комплексларда бўрдоқига боқиб, семиртиришдир. 1992 йилда бирлашмамиз бўйича 325 минг бош қўй шу махсус комплекслар орқали семиртирилиб, ҳар бош қўйнинг ўртача тирик вазни 45,5 килограммга етгач, гўштга топширилди. Бу бизни қаноатлантирмайди. Чунки у умумий гўштга топширилган қўйларнинг 66 фоизини ташкил этади. Ҳатто Қашқадарё, Жиззах вилоятларида ўртача вазн бундан ҳам паст. 1993 йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида бирлашма тасарруфидаги хўжаликлар томонидан 297 минг бошга яқин қўй (ҳар бирининг ўртача тирик вазни 37,5 килограммдан) гўштга топширилиб, жами 11.134 тонна қўй гўшти давлатга сотилди. Шундан фақатгина 180 минг таси 45,5 килограммданга етказилди. Натижада шу давр мобайнида гўшт 2,5 минг тоннага камайди.

**— Қоракўлчиликда наслчиликнинг аҳволи тўғрисида ҳам тўхталсангиз.**

— Қоракўлчиликда наслчилик ишини яхшилаш борасида барча ишларни тубдан ўзгартиришга тўғри келади. Чунки, кейинги беш-ўн йилда қоракўлчиликка эътиборнинг сусайганлиги, мутахассисларнинг масъулияти пасайганлиги муҳим ишнинг издан чиқишига, қўзилар сифатига салбий таъсир этди. Оқибатда жаҳон бозорида маҳсулотимизга бўлган талаб сусайди.

Турғунлик йилларида наслчилик ишининг асосий негизи ҳисобланган қўйларни саралаш, қўчқорларни баҳолаш, сунъий урчитиш, танлаш каби юмушларга мутлақо эътибор берилмай қўйилди. Чорвачиликда сунъий қочириш усули қоракўлчилар учун қулайдир. Чунки бир бош наслли қўчқор билан минглаб совлиқларнинг наслини яхшилаш мумкин. 1992 йилда бирлашма тасарруфидаги хўжаликларда 87 фоиз қўй сунъий қочирилди. Лекин 1993 йилда етиштирилган тери сифатига қарайдиган бўлсак, ўтган йили сунъий қочириш юзаки ўтказилганлигининг гувоҳи бўламиз.

**— Маълумки, яйлов чорвачилигида озуқа базаси асосий омиллардан ҳисобланади...**

— Бу саволга бугун бизда аниқ жавоб айтиш қийин. Бундай дейишимга сабаб, кейинги ўн йилда кўзга кўринарли иш қилинмаган. Кўрилган чора-тадбирлар кутилган натижани бермади. Бунда ҳукумат томонидан қоракўлчилик хўжаликлари учун суғориладиган ер ажратиш тўғрисидаги қабул қилинган қарорлар ва ўша пайтда тузилган озуқа етиштириш билан шуғулланувчи хўжаликларнинг ҳозирги кунда йўқлигини назарга олган ҳолда айтмоқдаман. Шундай экан, ҳар бир хўжалик раҳбари ички имкониятларни қидириб, ўз озуқа базасига эга бўлиши шарт. Қоракўлчиликда асосий озуқа майдони — яйлов.

**— Сув билан таъминлаш муаммоси қандай ҳал этилаяпти?**

— Сув таъминоти оғир муаммо. Масалан, Навоий вилоятида 70—75 фоиз, бошқа вилоятларда 30—35 фоиз отарларга сув ташиб борилади. Техника, нефть маҳсулотларининг нархи осмондалиги хўжаликларнинг иқтисодий аҳволини ёмонлаштирмоқда. Ота-боболаримиз ҳеч қачон қўйга сувни техника билан ташиб берган эмас-ку. Эски пайтларда бўлганидек, шамол двигателлари, қудуқларни қайта тиклаш пайти келмадимикан?

**— Хўжаликлар ихтиёрида қолдирилаётган қоракўл тери, жун ва қўй териларининг савдоси қандай ташкил этилаяпти?**

— Бухоро қоракўл заводини, айрим хўжаликларни ҳисобга олмаганда бу борада ишимиз яхши эмас. 1992 йилда Бухоро қоракўл заводида 26 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, шу йилнинг 7 ойида бу кўрсаткич 180 миллион сўмни ташкил этди. Навоий вилоятида 35 та хўжаликдан 31 тасида, Қашқадарё вилоятидаги 20 та хўжаликдан 18 тасида, Қорақалпоғистон жумҳурияти «Қоракўл» бирлашмасининг 12 та хўжалигидан бирортасидаги кўрсаткичлар қувонарли эмас. Бирлашманинг барча хўжаликлари хазинасида бор-йўғи 115 миллион пули бор, холос. Лекин ташкилотлар ва давлат банкларидан жами 11 миллиард 244 миллион 636 минг сўм қарзлари бор.

Хўжаликларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда уларнинг молиявий аҳволини соғломлаштиришга, моддий бойликлар ва пул маблағларини талон-торож қилинишининг олдини олишга, хўжасизлик ва ортиқча харажатлардан келадиган зарарларни камайтиришга ҳаракат қилмас эканмиз, ўнгланишимиз жуда қийин. Эскича ишлаш даври ўтди.

Суҳбатдош:
**Эшпўлат САФАРОВ.**



**Муҳаммадсодиқ Холматов Фарғона районидаги «Ёш ленинчи» жамоа хўжалигида фермерлик ҳаракати ташаббускорларидан. Унга 15 гектар ер ажратиб берилган. 90 бош қорамолга мўлжалланган молхона қуриб битказилди. Ҳозир бу ерда 15 бош новвос, 16 ғунажин, 6 та сигир-бузоқ ва 55 бош қўй парвариш қилинаётир. Бу йил мазкур фермер хўжалиги 6,5 тонна гўшт етказиб беришни режалаштирган.**

**СУРАТДА: фермер М. Холматов.**

Ш. ОЛИМОВ
олган сурат.

# ТЎРАЛАР

**УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ, «ҲОТАМТОЙ»ЛИГИ ОҚИБАТИДА ОДАМЛАР САРСОН БУЛИШАЯПТИ, ҚОНУНБУЗАРЛИККА ЙУЛ ҚУЙИЛАЯПТИ**

Бозор шароитида муаммолар етарли. Нарх-навонинг ошиб бораётганлиги қатор қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Шу боис ҳукуматимиз меҳнаткашларни, энг аввало етим-есирлар, ногиронлар, боқувчисиз ҳамда кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимояга олган. Ҳар бир масалага давлат нуқтаи назаридан ёндошаётган одил, жонкуяр раҳбарлар, мутахассислар Президент фармонларини изчил амалга ошириб, одамлар мушкулини осон этишмоқда, қийинчиликларни мардона енгиб ўтишмоқда. Улар у-буни баҳона қилмай омилкорлик, ташкилотчилик кўрсатишяпти, ички имкониятлардан иложи борича унумли фойдаланишаяпти.

Аммо беш панжа баробар эмас, деганларидек, шундай раҳбарлар ҳам борки, улар ўзларининг совуққонликлари, масъулиятсизликлари, қолаверса, меники тўғри, қабилида иш юритаётганликлари оқибатида меҳнаткашлар овораю сарсон бўлишаяпти, қонунбузарликка йўл қўйилаяпти. Бекобод тумани давлат назорати инспекциясига келаётган шикоят хатлар шу фикрни тўла тасдиқлайди. Уларнинг аксарияти алам, ўкинч билан ёзилган.

...Т. Қурбонов камсуқум инсон. У Ҳамза алоқа бўлимида сидқидил меҳнат қилиб, катта оилани тебратиб келарди. Кутилмаганда район алоқа тармоқлари бошлиғи Турсунали Ҳолиқов уни ҳузурига чақириб, «қисқаришга тушдингиз», деди. Эсанкираб қолган Т. Қурбонов меҳнат таътилига чиқиш учун рухсат сўраб ариза ёзган. Бироқ негадир бошлиқ унинг аризасини йўқолдига чиқарган. Боз устига Ҳамза алоқа бўлими бошлиғи Жўрахон Зиямуддинов қўпол муомала қилиб, асоссиз равишда Т. Қурбоновни ишлашига йўл қўймаган.

Тўраларнинг ўз ходимлари — инсон тақдирига бефарқ қараганликлари натижасида олти фарзанднинг отаси беш ой овораю сарсон бўлди. Соғлиғи кетди, катта оила иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолди. Инсофсизлар кам даромадли оилага ёрдам бериш, уларнинг кўнглини кўтариш ўрнига Т. Қурбоновни мукофот пулидан ҳам маҳрум этишган. Текшириш натижасида бу ерда меҳнат қонунлари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Мутасадди раҳбарлар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Заҳматкаш матбуот тарқатувчига тегишли пуллари қайтарилди.

Балоғатга етмаган олти нафар боланинг онаси Фотима Эрматованинг алам билан ёзган шикоят хати ҳам кишини ғоят ўйлантиради. Наҳотки орамизда шундай бераҳм раҳбарлар бўлса, деган фикрга бориладди. Эътироф этишича, унинг умрдоши бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан кўз юмган. Норасидалар билан қолган онанинг ташвишлари ўзига етарли. Улар ёрдамга, бир оғиз ширин сўзга жуда муҳтож. Шуни кўра-била туриб Далварзин пахта тозалаш заводи раҳбарлари ноинсофлик қилишди. Боқувчисидан айрилган катта оила яшаётган уйни бепул хусусийлаштириб бериш ўрнига бева аёлни уйнинг қиймат пулини тўлашга мажбур этишган. Ахир буни қандай баҳолаш мумкин?

Бекобод тумани давлат назорати ходимларининг аралашуви билан адолат қарор топди. Ф. Эрматованинг пули ўзига қайтарилиб, уйи бепул хусусийлаштирилди.

Қаерда ўзаро талабчанлик бўлмаса, ўша ерда интизом бузилади, ўзибўларчилик ҳоллари юзага келади. 1-ўрта мактаб илмий бўлим мудири А. Пардаев жуда ҳотамтой чиқиб қолди. У бирор сабаб билан ишга келмай қолган ўқитувчиларнинг дарс соатларини буйруқ орқали муаллимларга тақсимламаган. Аммо ўтилмаган дарслар учун уч кишига қўшимча пул ёзиб, бюджет маблағининг қонунсиз сарфланишига йўл қўйган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Боз устига мазкур илм масканида таълим-тарбия ишлари бўшаштириб юборилган.

Бекобод тумани халқ таълими бўлимига ёзилган тақдимнома жиддий муҳокама қилиниб, айбдорларга чора кўрилди.

Президентимизнинг ҳаётбахш фармонлари шарофати туфайли ишбилармонларга кенг йўл очилди. Хусусан, фермерлик ҳаракати тобора ривожланаяпти. Афсуски, хайрли ишнинг аҳамиятини била туриб унга тўсиқ қўяётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Мана мисол. Фермер Ш. Болтабоев ўз хатида деҳқон (фермер) хўжалиги учун ажратилган ҳар гектар ерга минг сўмдан пул тўлашга мажбур этганликлари ҳақида куюниб ёзган. Текшириш натижасида қуйидагилар равшан бўлди. Чиндан ҳам фермерга 50 гектар ер ажратилган. У бултур арпа, буғдой, макка дони экиб, яхши ҳосил етиштирган. Шундан 12 тоннадан ортиқ буғдой, 10,5 тонна арпа, 15 тонна маккажўхори донини давлат харид нархлари бўйича хўжаликка ўтказган. Қарангки, «Навбаҳор» давлат хўжалиги раҳбарлари ҳеч нима билмаган киши бўлиб фермердан ҳар гектар ер учун 1.000 сўмдан, жами 50 минг сўм ижара ҳақи олишган. Ваҳоланки, деҳқон (фермер) хўжаликлари ўзларини тутиб олгунларига қадар икки йил мобайнида солиқлардан озод этилганлар. Жонкуярларнинг аралашуви билан фермер Ш. Болтабоевга 50 минг сўм маблағи қайтариб берилди.

«Ғалаба» жамоа хўжалиги фермери Х. Боймуродов ҳам яхши ният билан иш бошлаганди. У мўл-кўлчилик ишига ҳисса қўшиш учун оила аъзолари билан тиним билмай ишлади. Бироқ кутилмаганда ишдан кўнгли совиди. Сабаби, фермерга нисбатан адолатсизлик қилинди. Ундан қонун-қоидаларга хилоф равишда катта миқдорда пул ушлаб қолинган. Шу ўринда қуйидагиларни таъкидлаш жоиз: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларига асосан ишбилармонларга хўжаликлар ихтиёридаги ерлар узоқ муддатга ажратиб берилади. Фермер ўша хўжалик билан шартнома тузади. Агар ажратилган майдонларга ғалла ёки бошқа экинлар экилса, олинган ҳосилнинг 50 фоизи ер ажратган хўжаликка шартномавий асосда пулга сотилади, қолгани фермер ихтиёрида қолади. Агар чорвачилик бўйича шартнома имзоланган бўлса, озуқа экинларидан олинган ҳосилнинг ҳам 50 фоизини хўжаликка пулга сотиши мумкин. Емишнинг 100 фоизи фермерда қолса, уни йиғиштиришга кетган барча харажатлар жамланиб, ҳосил бўлган суммани фермер тўлайди. Етиштирилган хашакни пулга чақиб, ундан ер учун ижара ҳақи деб пул олиш нотўғридир. Шу боис Х. Боймуродовнинг 71 минг 848 сўм пули ўзига қайтарилиши даркор.

Бекобод тумани маҳаллий саноат корхонаси 1991 йилда ташкил топган. Сўнгги йилларда бу ерда иш орқага кетди. Неча бор директор, бош муҳандис, бош бухалтер, ҳисобчилар ўзгартирилди. Шунда ҳам жонланиш бўлмади. Аксинча молиявий алоқалар қўпол равишда бузила бошлади. Жумладан, муайян миқдордаги савдо пули банкка топширилмаган.

Корхона бош бухгалтери М. Қурбонов айби билан йўл варақаси харажатлари вақтида ҳисоб-китоб қилинмайди. Баъзи ўринларда ҳотамтойлик қилинган. Жумладан, Бўстоновга ғазнадан 160 минг сўм бериб юборилган. Аммо у билан жавобгарлик шартномаси тузилмаган. Бундай пала-партишликлар корхона фаолиятида оз эмас. Шу боис мутасадди раҳбару мутахассислар дакки устига дакки эшитишяпти. Энг ёмони, камчиликлар одамлар кайфиятига салбий таъсир ўтказмоқда.

Қонун барча учун баробар. Давлат ҳисобига ҳотамтойлик қилиб қонунбузарликка йўл қўяётган кимсалар янглишадилар. Лавозимини суистеъмол қилаётган, халқни эмас, фақат ўз манфаатини ўйлаётганлар ҳам охир-оқибат қаттиқ зарбага учрайдилар. Бироқ ўшанда афсус қилишларининг фойдаси йўқ.

**М. ҚАЮМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

